

Гендер Стереотиплари Ва Замонавий Аёллар Ҳаёти Социологик Ёндашув

Fayzieva Farogat Baxtiyorovna

faro_fb@mail.ru

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ижтимоий-гуманитар
фанлар кафедраси, социология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

ABSTRACT

Мазкур мақолада замонавий жамиятда сақланиб қолаётган гендер стереотипларининг ёш аёллар ҳаётига таъсири социологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Аёлларга нисбатан мавжуд ижтимоий кутилмалар — ташки кўриниш, хулқ-атвор ва касбий йўналиш каби соҳаларда чегараловчи омил сифатида намоён бўлади. Мақолада бу стереотипларнинг шаклланиш механизми, уларнинг таълим, меҳнат ва шахсий ўзини англаш жараёнларига таъсири, шунингдек, ёш аёллар томонидан кўрсатилаётган индивидуал ва жамоавий қаршилик шакллари кўриб чиқилган. Муаллиф гендер тенглигига эришишда фақат шахсий саъй-ҳаракат эмас, балки институционал ва маданий ислохотлар ҳам муҳим эканини таъкидлайди.

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2025

Accepted: 8th May 2025

KEY WORDS: гендер, стереотип, ёш аёллар, ижтимоий кутилмалар, социология, тенглик, рақамли медиа, фаоллик, дискриминация

Аннотация

В условиях глобализации, цифровизации и формального равенства прав в современном обществе продолжают сохраняться устойчивые гендерные стереотипы, влияющие на повседневную жизнь женщин. Эти представления формируются в процессе социализации под воздействием таких институтов, как семья, школа, СМИ и религия, и находят отражение в ожиданиях к «женственному» поведению. Стереотипы ограничивают социальные и профессиональные возможности девушек, усиливают внутренние барьеры и закрепляют структурное неравенство. Статья с социологической точки зрения анализирует, каким образом социальные нормы и ожидания влияют на самоидентификацию молодых женщин, на их выбор профессии, стратегию поведения и отношение к собственной субъектности. Отдельное внимание уделяется формам сопротивления стереотипам — от индивидуальных практик до коллективных инициатив в образовательной, цифровой и культурной сферах. Делается вывод о необходимости комплексного подхода к преодолению гендерных ограничений, особенно в отношении уязвимых социальных групп.

Ключевые слова: гендер, стереотипы, молодежь, социальные нормы, женская идентичность, социология, дискриминация, социализация, неравенство, феминизм, цифровые медиа.

Abstract

Despite the processes of globalization, digitalization, and formal equality of rights, persistent gender stereotypes continue to shape perceptions and affect women's everyday lives. These simplified and standardized ideas about

appropriate female behavior, appearance, and roles are socially constructed and reinforced by institutions such as family, education, media, and religion. Gender stereotypes limit young women's social and professional opportunities, reinforce structural inequalities, and foster internal barriers like self-doubt and fear of initiative. This article applies a sociological perspective to explore how social norms and expectations influence the identity formation, career choices, and behavioral strategies of young women. Particular attention is paid to the ways in which women resist these stereotypes — through individual agency and collective actions in educational, digital, and cultural spaces. The study concludes that overcoming gender stereotypes requires a comprehensive approach involving personal resilience, institutional support, and societal transformation, especially for marginalized groups.

Keywords: gender, stereotypes, youth, social norms, female identity, sociology, discrimination, socialization, inequality, feminism, digital media.

Кириш

Ҳозирги жамиятда глобаллашув, рақамлашиш ва ҳуқуқларнинг формал тенглиги жараёнларига қарамасдан, баъзи муносабатларда аёлларга ёки эркекларга бўлган қарашларда баъзи стереотиплар сақланиб қолмоқда. Бу тасаввурлар баъзан аёллар ёки эркекларнинг кундалик ҳаётига таъсир кўрсатади. Улар кўп ҳолларда гендер стереотиплари — яъни қизларнинг ҳуқ-атвори, ташки кўриниши, ижтимоий роли ва ҳаётий мақсадлари ҳақидаги соддалаштирилган ва стандартлаштирилган қарашлар шаклида намоён бўлади. Бундай қарашлар очик шаклда айтилмасда, ижтимоийлашув жараёнлари, касб танлови, оила ва ишдаги муносабатлар, ўзини баҳолаш ҳамда ёш аёлларнинг руҳий ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Гендер стереотиплари жинслар ўртасидаги биологик фарқлардан фарқли тарзда ижтимоий табиатга эга бўлиб, оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари, дин ва меҳнат ташкилотлари каби институтлар таъсирида шаклланади. Улар «аёлга хос» ҳуқ-атворга нисбатан кутилмаларда намоён бўлади — мулойим, ғамхўр, камтар, ташки кўринишига эътиборли бўлиши керак деган қарашлар, шунингдек, муайян қарашларда акс этади: масалан, «техника соҳалари қизлар учун эмас» ёки «чин аёл турмуш қуришга интилиши керак». Бундай стереотиплар ёш аёлларнинг ижтимоий ва касбий имкониятларини чеклайди, тенгсизликни мустаҳкамлайди ҳамда ички тўсиқларни — ташаббускорликдан қўрқиш, паст баҳо бериш ва ишончсизликни шакллантиради.

Ёшлик даври — бу гендер идентификацияси фаол шаклланадиган, таълим ва касб йўналиши танланадиган, муҳим ижтимоий алоқалар ўрнатиладиган босқич ҳисобланади. Бундай шароитда гендер стереотипларининг таъсири қизнинг келгуси тақдирига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Социологик ёндашув жамиятдаги нормалар ва кутилмалар ёш аёлларнинг шахсий тажрибасини қандай шакллантираётганини аниқлаш имконини беради, шунингдек, қизлар ушбу нормаларга қандай муносабатда эканлигини — уларни қабул қилиши, инкор этиши ёки енгиб ўтиши каби ҳолатларни очиқ беради.

Социологияда гендер — эркеклар ва аёллар ўртасидаги фарқларни белгилайдиган ижтимоий ва маданий жиҳатдан шаклланган тизим сифатида тушунилади. Ушбу тизимга нормалар, роллар, кутилмалар ва ҳуқ-атвор моделлари киради. Гендер биологик жинсдан фарқ қилади, чунки у шахснинг ижтимоийлашуви — яъни жамият нормалари ва қадриятларини ўзлаштириш жараёнида шаклланади.

К. Вест ва Д. Циммерман (West & Zimmerman, 1987)¹ таъкидлаганидек, гендер шахснинг шахсий хусусияти эмас, балки «ижтимоий ҳаракат» (doing gender) ҳисобланади, яъни инсон нутқи, ҳуққи, кийиниши ва ўзаро муносабатлари орқали гендер нормаларига мосликни доимий тарзда намоён этиши ва қайта ишлаб чиқиши жараёнидир.

¹ West, C., & Zimmerman, D. H. (1987). Doing gender. *Gender & Society*, 1(2), 125–151.

Ж. Батлернинг (Butler, 1990) таъкидлашича, гендер барқарор моҳиятга эга эмас, балки такрорланувчи маданий амалиётлар ва дискурслар орқали шаклланади. Бу эса гендер идентификациясини ташқи таъсирларга — жумладан, гендер стереотипларига ҳам — ҳассос ва заиф ҳолатга келтиради.

Гендер стереотиплари — бу эркаклар ва аёллар қандай «бўлиши керак» деган барқарор ва умумлаштирилган тасаввурлардир. Улар ташқи кўриниш, хулқ-атвор, шахсий хусусиятлар ва ижтимоий роллар борасидаги жамоавий кутилмаларни акс эттиради. Масалан, аёлларга мулойимлик, ғамхўрлик, ҳиссийлик ва боғлиқлик хос деб қаралса, эркакларга фаоллик, етакчилик, мантиқ ва ҳукмронлик каби хусусиятлар юкланади (Коннел, 2002)².

«Норматив аёллик» ҳақидаги ижтимоий жиҳатдан шаклланган гендер стереотиплари ёш аёлларнинг ҳаётидаги барча асосий соҳаларга чуқур таъсир ўтказди. Улар ижтимоий кутилмалар тизими сифатида фаолият кўрсатиб, ҳам жамиятнинг ташқи баҳоси, ҳам қизларнинг ички ўзини идентификация қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Ана шу мактаб ёшиданок қиз болаларга қайси фанлар «мос» экани тўғрисидаги тасаввурлар кўп ҳолларда мажбурий равишда сингдирилади. Гуманитар фанлар, тиббиёт ва педагогика қизлар учун «табiiй» соҳалар сифатида қабул қилинади, ҳолбуки аниқ фанлар ва муҳандислик йўналишлари «эркакларга хос» соҳалар деб қаралади (Charles & Bradley, 2009)³, деган тасаввурлар бўлган эди. Бу эса касб танловига таъсир қилиб, аёлларни юқори маошли ва юқори мақомга эга бўлган мутахассисликларга кириш имкониятидан чеклаган эди.

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълим муҳити гендер фарқларини қайта ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашнинг муҳим манбаига айланади. Шунингдек, «шиша шифти» (glass ceiling) деб номланган — касбий ўсишдаги кўринмас тўсиқлар айниқса бошқарув, техник ва илмий соҳаларда аёллар учун яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, ёш аёллар кўп ҳолларда ўз салоҳияти ва малакасини «исботлаш»га мажбур бўладилар, ҳолбуки эркаклардан эса ишонч ва қатъият кутилса, етарли деб ҳисобланади (Eagly & Carli, 2007)⁴.

Анъанавий жамиятларда турли босимлар кучли бўлиши мумкин: қизлардан ота-онанинг иродасига бўйсунуш, шахсий орзу-истаклардан воз кечиб, оилавий ролларни танлаш талаб қилинади. Бу эса уларнинг шахсий ва касбий ўзини рўёбга чиқариш имкониятларини чеклайди.

Ёш аёлларга нисбатан зиддиятчи талаблар қўйилади: улар бир вақтнинг ўзида ҳам камтар, ҳам фаол; зеҳнли, аммо «ҳаддан ташқари ақлли эмас»; ғамхўр, лекин мустақил бўлишлари керак. Бундай қарашлар икки ёқлама стандартларни юзага келтиради — бундай шароитда танқидга учрамасдан «тўғри» ҳаракат қилиш деярли имконсиз.

Аёлларга хос деб қараладиган ҳиссийлик ва иррационаллик ҳақидаги стереотиплар уларнинг қарор қабул қилиш жараёнларидаги нуфузини пасайтиради — бу ҳам кундалик ҳаётда, ҳам иш муҳитида намоён бўлади (Ridgeway, 2011)⁵.

Гендер стереотипларининг барқарорлиги ва ҳаётнинг турли соҳаларига бўлган таъсирига қарамадан, замонавий қизлар тобора кўпроқ ижтимоий кутилмаларга фаол қарши туришни намоён этмоқдалар. Бундай қаршилиқ яқка шахсий амалиётлардан тортиб, жамоавий ҳаракатлар — ўзини англаш, фаоллик, кундалик хулқ-атвор стратегияларини ўзгартириш шаклида ифода топиши мумкин. Социологияда бу ердаги қизиқиш марказида субъектлар қандай қилиб тузилмавий чекловларни енгиб ўтишлари ва аёл идентификациясининг янги моделларини қандай шакллантираётганлари туради.

² Connell, R. W. (2002). Gender. Polity Press

³ Charles, M., & Bradley, K. (2009). Indulging our gendered selves? Sex segregation by field of study in 44 countries. *American Journal of Sociology*, 114(4), 924–976. <https://doi.org/10.1086/595942>

⁴ Eagly, A. H., & Carli, L. L. (2007). *Through the labyrinth: The truth about how women become leaders*. Harvard Business Review Press.

⁵ Ridgeway, C. L. (2011). *Framed by gender: How gender inequality persists in the modern world*. Oxford University Press.

Яна бир муҳим стратегия — аёлликни қайта баҳолашдир. Қизлар ташқи кўринишни асосий қадрият деб қарашдан воз кечмоқдалар ва бошқа — интеллектуал, касбий ва ижодий — ўзини намоён қилиш шакллари ўзлаштирмоқдалар. Кўпчилик косметик стандартлардан воз кечмоқда, «мажбурий» либосларни киймасликни танламоқда — бу эса навбатда ўзини ўзи бошқариш ва жамият томонидан юкланган нормалардан озодлик рамзига айланмоқда (Gill, 2007)⁶.

Замонавий рақамли медиа майдонлари қизларга ўзини ифода этишнинг янги каналларини тақдим этмоқда — бу орқали улар ўз қарашларини очиқ ифода этиш, шахсий тажрибаси ҳақида сўзлаш ва аёлликнинг муқобил образларини шакллантириш имконига эга бўлмоқдалар. Блоглар, TikTok, Telegram каналлари ва Instagram платформалари орқали ёш аёллар ўз жамоаларини яратиб, бир-бирларини қўллаб-қувватлашмоқда ва стереотипларга қарши ғояларни тарғиб қилмоқдалар (Banet-Weiser, 2018)⁷.

Якка тартибдаги стратегиялардан ташқари, жамиятдаги стереотипларни ўзгартиришга қаратилган аёллар ташаббуслари, фаоллик лойиҳалари ҳам муҳим ўрин тутди. Ёш аёллар дискриминация ва зўравонликка қарши лекциялар, митаплар, флешмоблар ва кампаниялар уюштиришмоқда, тенглик ва гендер масалалари бўйича тенгдошлари ва таълим муассасаларида фаол маърифий ишлар олиб бормоқдалар.

Айниқса шаҳар фем-группалари, арт-лойиҳалар ва университетлардаги ташаббуслар алоҳида аҳамиятга эга — бундай жойлар аёлликка, танга ва келажакка нисбатан «бошқача» сўзлаш мумкин бўлган муқобил маданиятни шакллантирадиган масканга айланмоқда.

Бундан ташқари, ички зиддиятлар ҳам кузатилади: стереотиплардан «озод» бўлишга интилиш кўп ҳолларда айбдорлик ҳисси, шубҳалар ва «қабул қилинмаслик»дан қўрқиш билан бирга кечади. Барча қизлар ҳам қўллаб-қувватлаш шаклларида тенг даражада фойдалана олмайди — айниқса кишлоқ жойларидаги ёки ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож гуруҳлар орасида. Бундай стереотиплар ижтимоийлашув механизмлари — аввало оила, таълим тизими, оммавий ахборот воситалари ва маданий анъаналар орқали шаклланади.

Айнан ёш авлод — формал гендер тенглиги шароитида вояга етган бўлса-да — ҳали ҳам ижтимоий босим, икки томонлама стандартлар ва тузилмавий тенгсизликка дуч келадигани жиддий хавотир уйғотади. Шу билан бирга, кўплаб ёш аёллар стереотиплар таъсирини англаб, ўзини мустақил равишда белгилашга интилоқда — бу индивидуал стратегиялар (касб танлови, ташқи кўринишни ўзгартириш, фаол ўзини ифода этиш) орқали ҳам, жамоавий ҳаракатлар (таълим, фаоллик ва медиа ташаббусларида иштирок) орқали ҳам намоён бўлмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, гендер нормаларига қарши туриш учун шахсий бардош билангина эмас, балки жамиятнинг қўллаб-қувватлаши ҳам зарур. Айниқса кишлоқ жойларда яшовчи, таълим даражаси паст, имконияти чекланган қизлар каби ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож гуруҳлар учун бу жуда катта аҳамиятга эга. Гендер стереотипларининг таъсирини камайтириш ва ёш аёллар имкониятларини кенгайтириш учун индивидуал, институционал ва маданий даражаларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Шундай қилиб, гендер стереотипларини енгиш фақат қизларнинг шахсий ҳаракати билан эмас, балки бутун жамиятдаги тизимли ўзгаришлар орқали амалга ошиши мумкин. Фақатгина комплекс ёндашув орқали адолатли, инклюзив ва гендерга сезгир жамиятни шакллантириш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. West, C., & Zimmerman, D. H. (1987). Doing gender. *Gender & Society*, 1(2), 125–151.
2. Connell, R. W. (2002). *Gender*. Polity Press
3. Charles, M., & Bradley, K. (2009). Indulging our gendered selves? Sex segregation by field of study in 44 countries. *American Journal of Sociology*, 114(4), 924–976. <https://doi.org/10.1086/595942>

⁶ Gill, R. (2007). Postfeminist media culture: Elements of a sensibility. *European Journal of Cultural Studies*, 10(2), 147–166

⁷ Banet-Weiser, S. (2018). *Empowered: Popular feminism and popular misogyny*. Duke University Press.

4. Eagly, A. H., & Carli, L. L. (2007). *Through the labyrinth: The truth about how women become leaders*. Harvard Business Review Press.
5. Ridgeway, C. L. (2011). *Framed by gender: How gender inequality persists in the modern world*. Oxford University Press.
6. Gill, R. (2007). Postfeminist media culture: Elements of a sensibility. *European Journal of Cultural Studies*, 10(2), 147–166
7. Banet-Weiser, S. (2018). *Empowered: Popular feminism and popular misogyny*. Duke University Press.
8. Eagly, A. H., & Carli, L. L. (2007). *Through the labyrinth: The truth about how women become leaders*. Harvard Business Review Press.
9. Fredrickson, B. L., & Roberts, T. A. (1997). *Objectification theory: Toward understanding women's lived experiences and mental health risks*. *Psychology of Women Quarterly*, 21(2), 173–206.